

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИТАДИ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Жўракулова Чарос Умаровна
Ўзбекистон Республикаси Банк –
молия академияси тингловчиси

Аннотация

Ушбу мақолада тижорат банклари фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва хавф-хатарларни бошқаришда комплаенс-назорат тизимининг аҳамияти таҳлил қилинган. Халқаро тажриба асосида Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Бразилия ва бошқа давлатларда қўлланилаётган комплаенс механизмлари ўрганилган ҳамда уларнинг миллий банк тизимига мос келадиган жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари каби меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, тижорат банкларида ички назорат тизимларини жорий этишнинг долзарблиги асослаб берилган. ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаблари асосида “Микрокредитбанк” АТБ мисолида коррупция хавфларини баҳолаш ва аниқлаш усуллари кўрсатилган. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, тижорат банкларида самарали комплаенс тизимини йўлга қўйиш коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, банк тизимининг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаш ҳамда мижозлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Калит сўзлар

Тижорат банклари, комплаенс-назорат, ички назорат, коррупцияга қарши кураш, хавфларни баҳолаш, ISO 37001:2016, молиявий барқарорлик, шаффофлик, AML, CTF.

Кириш

Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини энг юқори даражага кўтариш, замонавий ва самарали давлат бошқарувини жорий этиш, шунингдек, давлат хизмати соҳасида коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига мутлақо мурасасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилган юксак ғояларга асосланади.

Ушбу ислохотларнинг замирида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган қуйидаги тамойил ётади: **“Халқ давлат органларига хизмат қилмаслиги, аксинча, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”**. Ушбу тамойилга мувофиқ равишда, мавжуд барча ресурслар халқ манфаатларини кўзлаб сафарбар этилмоқда ва бу энг устувор вазифа сифатида белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида коррупцияга қарши кураш самарадорлигини барқарор таъминлаш ислохотларнинг чинакам муваффақиятига эришишда алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш борасида катта ютуқларга эришган ривожланган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, асосий эътибор коррупциянинг оқибатларига эмас, балки уни келтириб чиқарадиган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилмоқда. Амалиётда бундай ёндашув ўз самарадорлигини исботлаган.

Халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган бундай профилактик механизмлардан бири — коррупцияга қарши мувофиқлик (комплаенс-назорат) тизими ҳисобланади.

Таҳлил ва натижа

“Комплаенс назорат” тизимининг асосий пойдевори Германияда 1884 йили ташкил этилган “Бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш ва суғурталаш Ассоциацияси”га (Accident Prevention & Insurance Association) боғлиқ.

“Комплаенс мониторинг” тизими коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида расман АҚШда жорий этилган.

Бу тизим аввал марта 1906 йили АҚШда озиқ-овқат ва фармацевтика саноати корхоналарининг фаолиятини назорат қилувчи Федерал агентлик (FDA, Food and Drug Administration) тузилиши билан пайдо бўлган.

Миллий иқтисодиётда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида компаниялар ва корпорациялар ташкил этилган ва уларнинг фаолиятида коррупцияга қарши чораларни жорий этиш зарурати туғилган.

Ўтган аср охири ва ҳозирги вақтгача Volkswagen (VW), Daimler, Siemens (Германия), Odebrecht, Petrobras (Бразилия), Samsung Group, Hyundai Motor (Корея Республикаси), BAE Systems (Буюк Британия), Baker Hughes Inc ва Panalpina World Transport (АҚШ) каби йирик компаниялар билан бўлган низолар ушбу корпорациялар фаолиятида коррупцияга қарши механизмларни тўлиқ амалга оширилмаганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу мавжуд коррупцияга қарши тизимларни илғор даражада ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ мамлакатлар корпоратив фаолиятда коррупцияга қарши курашиш учун “комплаенс назорат” тизимини жорий қилган.

Комплаенс – бу тижорат банкларининг қонунлар, қоидалар, ички стандартлар ва бошқа тегишли талабларга риоя қилинишини таъминлаш жараёнидир. Википедияга кўра, “compliance” сўзи “мувофиқлик” маъносини англатади. Бошқача айтганда, комплаенс тижорат банклари барча фаолият йўналишларида белгиланган қоидаларга риоя қилишини кафолатлайди.

Комплаенснинг асосий мақсади – қоидабузарликлар ва хавф-хатарларнинг олдини олишдан иборат.

Асосий вазифалари: қонунчиликни ўрганиш, ички қоидаларни ишлаб чиқиш, ходимларни ўқитиш ва мувофиқликни назорат қилиш.

Мисол учун:

Банк пул ювишга қарши кураш қонунларига риоя қилиши шарт – бу комплаенснинг бир қисми.

Корхона ходимларнинг иш вақтини тўғри ҳисобга олиши ва камида белгиланган иш ҳақини тўлаши шарт – бу ҳам комплаенс ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари беморларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга доир қоидаларга риоя этиши лозим – бу ҳам комплаенсга киради.

Комплаенс тизимлари Тижорат банкларида коррупция, қонунбузарлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банкларида комплаенс – бу банк фаолиятининг амалдаги қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, ички қоидалар ва ахлоқий стандартларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар тизимидир. У жинойй фаолиятдан келиб чиққан даромадларни легаллаштириш (AML) ва терроризмни молиялаштириш (CTF)га қарши қонунларга риоя этилишини назорат қилишни, шунингдек, бошқа молиявий жиноятлар ва хатарларнинг олдини олишни ўз ичига олади.

Банкларда комплаенс-назоратнинг асосий йўналишлари:

Қонунчиликка мувофиқлик – банклар пул ювишга қарши кураш (AML), терроризмни молиялаштиришга қарши кураш (CTF), шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби норматив ҳужжатларга риоя қилишлари лозим.

Молиявий жиноятларнинг олдини олиш – комплаенс тартиб-тамомойиллари жинойй даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш, фирибгарлик, коррупция ва бошқа молиявий жиноятларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган.

Хавфларни бошқариш – комплаенс банкларга ўз фаолияти билан боғлиқ хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш чораларини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Мижозлар, ҳамкорлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш – комплаенс назорат банк фаолиятида иштирок этувчи барча манфаатдор томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ички мониторинг ва назорат – банклар қонунбузарлик ва ички қоидаларнинг бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ички мониторинг тизимларини жорий этади.

Комплаенс доирасида банклар қуйидаги фаолиятларни амалга оширадилар:

Мижозлар ва операцияларни текшириш – мижозларнинг операциялари қонунчилик ва банкнинг ички қоидаларига мувофиқлигини текшириш. Буга мижозни идентификациялаш, маблағ манбаини аниқлаш ва шубҳали операцияларни фош этиш киради.

Ходимларни ўқитиш – комплаенс талаблари ва бузилишларни аниқлаш бўйича ходимларни ўқитиш.

Ички аудит ва текширувлар – комплаенс тизими самарадорлигини баҳолаш ва муаммоларни аниқлаш учун ички аудитлар ўтказиш.

Назорат органлари билан ҳамкорлик – регулятор органлар билан ҳамкорлик қилиш ва банк фаолиятига доир керакли маълумотларни тақдим этиш.

Тижорат банкларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини жорий этишнинг мақсади қуйидагилардан иборат:



Тижорат банклари ва унинг тизимида ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берадиган комплекс тизимни яратиш;



Коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитларини бартараф этиш;



Коррупциявий хатти-ҳаракатларни олдини олиш;



Тижорат банклари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш орқали коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;



Тижорат банклари тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш;



Коррупцияга қарши соҳадаги халқаро ва миллий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳамда тижорат банкларида коррупцияга қарши

механизмларни самарали ишлашини таъминлашга қаратилган бошқа чораларни ўз ичига олиш.

Ички назорат

Ички назорат – бу тижорат банкининг мижозларни лозим даражада текшириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ хатарларни бошқариш, шубҳали операцияларни аниқлаш ва терроризм ёки оммавий қирғин қуроллари тарқатишда иштирок этиши гумон қилинган шахслар билан боғлиқ операцияларни аниқлашга қаратилган фаолиятидир.

Ички назорат бўлимининг асосий вазифаси – пул ювиш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатиш каби хавфларнинг олдини олишдир.

Тижорат банкларидаги ички назорат тизимлари ўз фаолиятини “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари” асосида амалга оширадилар. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 майда 2886-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Тижорат банклари раҳбари ҳар бир ходим ва унинг фаолиятини назорат қилиши мумкин эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг учун самарали тизим зарур. Шу нуқтаи назардан, **ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари”** стандарти Тижорат банклариларга - улар қайси мамлакатда фаолият юритишидан қатъий назар - коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштиришда ёрдам беради.

ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” — бу Тижорат банклариларда (давлат, хусусий ёки нотижорат) самарали ва профилактик коррупцияга қарши тизим яратишга қаратилган халқаро стандартдир. У

коррупцияга қарши курашишнинг халқаро усулларини ўз ичига олади ва ишончли бошқарув тизимини жорий этишга кўмаклашади.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти коррупциявий ҳолатлар юзага келиши мумкин бўлган қуйидаги соҳаларга тааллуқлидир:

- ▲ Давлат, хусусий ва нотижорат секторларида пора олиш;
- ▲ Тижорат банкларига пора бериш;
- ▲ Тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ ҳолда унинг ходимларига пора бериш;
- ▲ Тижорат банклари фаолиятига боғлиқ ҳамкорларга пора бериш;
- ▲ Порани тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали таклиф қилиш ёки қабул қилиш (масалан, воситачи орқали берилган ёки олинган поралар).

Қўшимча равишда:

- ▲ Тижорат банкларилар томонидан пора олиш;
- ▲ Тижорат банклари номидан ёки унинг манфаатида ҳаракат қилувчи ходимлар томонидан пора олиш;
- ▲ Тижорат банклари номидан ёки унинг манфаатида ҳаракат қилувчи ҳамкорлар томонидан пора олиш.

Халқаро ISO 37001:2016 стандартига мувофиқ, Тижорат банкларини сертификатлаш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, жорий этилган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил аудит орқали тасдиқлаш лозим бўлади.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқарувининг 2023 йил 14 августдаги 1131-сонли қарорининг иловаси ““Микрокредитбанк” АТБнинг коррупция хавфларини баҳолаш ва аниқлаш услуги тўғрисида”ги Низомига асосан “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкида коррупция хавфларини баҳолаш ва аниқлаш усули тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий

хужжатлари (КҚК) талабларига мувофиқ, шунингдек, халқаро Тижорат банклари ларнинг тавсиялари ва КҚК соҳасидаги етакчи жаҳон амалиёти, жумладан, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Қўллаш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти (ISO 37001:2016 стандарти)нинг талаб ва тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда банкнинг ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.


Ушбу Низом банкнинг ички меъёрий ҳужжати ҳисобланади ва банк фаолиятида коррупция хавфларини аниқлаш ҳамда баҳолаш тартибини белгилайди.

Коррупция хавфларини аниқлашда қуйидаги ҳолатларни таҳлил қилиш лозим:



1-расм. Коррупция хавфларини келтириб чиқарадиган омиллар

Коррупция хавфларини баҳолаш банк манфаатларига зид равишда шахсий манфаат олиш мақсадида хизмат мажбуриятларидан суистеъмол қилиш имконини берадиган шарт-шароит ва ҳолатларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.



2-расм. "комплаенс-назорат" тизимининг принциплари

Исроил давлатининг 5-Бош вазири Голда Меир хоним шундай васият қолдирган экан: "... Агар Сиз ўғил-қизлари унга доимо қайтадиган, аҳолиси ундан фақат таътил мавсумидагина четга чиқадиغان, унинг ҳудудида келажак учун кўркув ҳисси бўлмайдиган Ватан қурмоқчи экансиз, қуйидаги икки қадамни қўйинг: Биринчидан, коррупцияни ватанга хоинликка, коррупционерни эса энг ашаддий сотқинга тенглаштиринг. Иккинчидан, ҳарбийлар, ўқитувчилар ва шифокорларни энг катта маош тўланадиган касб эгаларига айлантиринг. Энг муҳими, меҳнат қилинг, меҳнат қилинг ва меҳнат қилинг. Негаки, Сизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким ҳимоя қилмайди, боқмайди. Сизнинг Ватан ўзингиздан бошқага керак эмас. Агар, ана шу айтганларим оддий сўз ва шиор бўлиб қолмасдан, турмуш тарзингизга айланса, Сиз ўз мақсадингизга эришган бўласиз."

Коррупцияга қарши курашишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган “мувофиқлик тизими” (қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш тизими, яъни комплаенс) тушунчаси миллий қонунчилигимиздаги қатор норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган:

1. . Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 72-Ф-сон Фармойиши.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 апрелдаги “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш

бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.


6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 27 июль куни ўтказилган йиғилишда топширилган вазифага мувофиқ, 2020 йил 4 сентябрь куни “Яширин иқтисодиёт ҳамда коррупцияга қарши мувофиқлик (“комплаенс-назорат”) тизими”ни жорий этиш юзасидан 26 та вазирлик ва идораларда “Йўл хариталари” тасдиқланди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкилотларда жорий қилинаётган коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди.

Коррупцияга қарши “Комплаенс-назорат” тизимини жорий этишда эришилган асосий натижалар (2024 йил 1 январь ҳолатига)



3-расм. “Комплаенс-назорат” тизимини баҳолаш натижалари таҳлили

Хавфларни баҳолаш тартиби қуйидаги кетма-кет босқичлардан иборат:

- ❖ Тайёргарлик босқичи: Коррупция хавфларини баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиш, баҳолаш режасини тузиш, масъул шахсларни тайинлаш, баҳолашда иштирок этувчи банк ходимларининг ваколат ва мажбуриятларини аниқлаш, банк фаолиятининг йўналишлари рўйхатини тузиш.
- ❖ Коррупция хавфларини аниқлаш босқичи: Ҳар бир таҳлил қилинаётган жараёнда муҳим нуқталарни аниқлаш ва ҳар бир нуқтада коррупция хавфларининг юзага келиш эҳтимолларини умумий тавсифлаш.

❖ Коррупция хавфларини таҳлил қилиш босқичи: Муҳим нуқталарда коррупциявий ҳуқуқбузарликни амалга оширишнинг мумкин бўлган усулларини батафсил тавсифлаш.

❖ Коррупциявий ҳуқуқбузарликларда иштирок этиши мумкин бўлган банк ходимларининг лавозимлар рўйхатини шакллантириш.

❖ Коррупция хавфларини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш босқичи: Аниқланган барча коррупция хавфларини камайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

❖ Хавфларни баҳолаш натижаларини расмийлаштириш, келишиш ва тасдиқлаш босқичи: Банкнинг коррупция хавфлари матрицасини ҳамда коррупция хавфига боғлиқ лавозимлар рўйхатини шакллантириш ва уларни Департамент директорининг тасдиғига тақдим этиш.

Коррупция хавфи юқори бўлиши мумкин бўлган фаолият соҳаларини аниқлашда, аввало қуйидаги жараёнларга эътибор қаратиш лозим:

- Банк эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни харид қилиш;
- Кредитлар, жумладан имтиёзли кредитларни бериш;
- Иш ҳақи жамғармасини тақсимлаш ва ходимларга мукофот тўлаш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- Банк маблағларини тақсимлаш билан боғлиқ бошқа ҳар қандай фаолият турлари.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларида комплаенс назорат – бу шунчаки расмий жараёнлар эмас, балки хавф-хатарларни бошқариш, банк тизимининг барқарорлиги ва ишончилигини таъминлашнинг муҳим воситасидир ҳамда банкларда комплаенс назорат тизими коррупцион ҳаракатларнинг ҳар қандай кўринишини олдини олишдан манфаатдор бўлган ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар учун ташкил этилгандир. Шунингдек,

комплаенс – бу тижорат банкларининг фаолияти қонунчилик ва ички талабларга мос келишига ишонч ҳосил қилишдир.

Бугунги кунда тижорат банкларининг барча бўлимлари ва барча ходимлари комплаенс талабларига амал қилишлари шарт. Бундан ташқари, комплаенс-назорат учун жавобгар бўлган махсус бўлимлар ҳам мавжуд: масалан, ички назорат бўлими, санкциявий комплаенс бўлими ва коррупцияга қарши кураш бўлими.

Ҳар қандай тижорат банкининг нуфузи ва бренд капитали, унинг банк қонунчилиги, стандартлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиши, шунингдек, ушбу риояни таъминловчи самарали комплаенс тизимига эга бўлиши билан чамбарчас боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Malikov T.S., Xaydarov N.X., Davlat budjeti. O'quv qo'llanma – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007-y.
2. B.K.Hamdammov, A.A.Ostonokulov. O'quv qo'llanma. “Budget nazorati”. “Iqtisod-Moliya”, 2018-y. 7-b.
3. B.Nurmuhamedova. Davlat budjeti. Darslik. T.: “Iqtisod-moliya”-2019-y.
4. Robert D. Lee Jr., Ronald W. Johnson. Public Budgeting Systems. 10th edition. USA, 2020-y.
5. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. International Journal of Management Science and Business Administration, 4(2), 84-88.
6. Jumaniyazov, I. (2020). FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN FUNDS. International Finance and Accounting, 2020(2), 1.
7. Jumaniyazov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(05), 30-37.

8. Жуманиязов, И. Т. (2016). Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Наука, образование и культура, (7 (10)), 27-28.
9. Жуманиязов, И. Т. (2016). Направления использования средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Economics, (7 (16)), 28-29.
10. Jumaniyazov, I. T. (2022). O'zbekistonda davlat moliya tizimidagi islohotlar va rivojlantirish istiqbollari. Science and Education, 3(5), 1637-1645.
11. Inomjon Turaevich Jumaniyazov, & Bexruz Hazratov (2022). Foreign experience in the development of special economic zones in Uzbekistan. Science and Education, 3 (5), 1628-1636.
12. Бахронов, Ж., & Жуманиязов, И. (2023). Партисипатор бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда қўллаш долзарблиги. Science and Education, 4(2), 1486–1493. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5234>
13. Davlatboyeva, M. S. qizi, & Jumaniyazov, I. T. (2023). Yashil byudjetlashtirish va uni O'zbekistonda joriy etish istiqbollari. Science and Education, 4(2), 1509–1516.
14. Jumaniyazov, I. T. (2019). Evaluation criteria for the efficiency of sovereign funds. Global science and innovations 2019: Central Asia. In International scientific conference.–Nur-Sultan (Kazakhstan) (Vol. 340, pp. 226-229).
- Jumaniyazov, I., & To'laganova, F. (2023). Aksiyadorlik jamiyatlarining korporativ moliya strategiyasini rivojlantirishda xorij tajribasi. Science and Education, 4(6), 836–847. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/6095>